

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

“Фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик процесси”

кафедраси

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: Ходимни тўлиқ моддий жавобгарликка тортишга йўл
қўйилган ҳолатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш
мавзусидаги**

Бажарди: Қиёмова Г.М.

Текширди: доцент Б.Джанбақиев

Тошкент – 2014 й.

Ходимни тўлиқ моддий жавобгарликка тортишга йўл қўйилган ҳолатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш мавзусидаги

РЕЖА:

КИРИШ

АСОСИЙ ҚИСМ

I. Меҳнат шартномаси тарафлари моддий жавобгарлигининг шартлари ва турлари

II. Иш берувчига етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлиги: тушунчаси ва турлари

III. Иш берувчига етказилган зарар учун ходимларнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги ва унинг турлари

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин эркин иқтисодий муносабатлар маконини яратишни ўз олдига мақсад қилиб олди ҳамда барча соҳаларда бозор иқтисодиёти талабларини акс эттирган ислохотларни амалга оширишга киришди. Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида 1992 йилда ўз Конституциясини қабул қилди. Бугунги кунда барча ижтимоий муносабатларни тартибга солиб келаётган олий юридик кучга эга бўлган мазкур Асосий қонун ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳамда қонунда назарда тутилган ҳолларда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларини кафолатлаб қўйган.

Конституциямизда ўз ифодасини топган фуқароларнинг мазкур ҳуқуқларини амалга ошириш юзасидан мамлакатимизда қўплаб махсус қонунлар, қонуности норматив ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси¹, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”²ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”³ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”⁴ги қонунлар фуқароларимизнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқларни рўёбга чиқарилишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ҳар бир ходимнинг адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлаш, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатишдан ҳимоялаш каби муҳим вазифаларни бажаради. Ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи ҳар қандай ҳолатлар ва уларни содир бўлишига сабаб бўлган корхона, ташкилот, муассасалар ва уларнинг раҳбарлари меҳнат қонунчилигига мувофиқ моддий жавобгарликка тортиладилар.

¹ Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Т: Ўзбекистон, 2006 й.

² Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т: Адолат, 1992 й. 6-сон, 72-бет.

³ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т: Адолат, 1993 й. 8-сон, 103-бет.

⁴ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т: Адолат, 1998 й. 19-сон, 191-бет.

Шунинг билан бирга мавжуд қонунчилик фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, хусусан уларнинг суд орқали ҳимоя бўлган ҳуқуқларни кафолатлаш билан бирга корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилади. Меҳнат вазифаларни бажариши муносабати билан ходимлар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарлар конституциявий тамойиллар асосига қурилган бўлиб, ходимлар томонидан меҳнат жараёнида етказилган зарарлар иш берувчиларга етказилган зарар миқдорида қопланиши лозим.

Ходимлар томонидан камомадга йўл қўйиш, мол-мулкни ўғирлаш, моддий бойликларни яроқсиз ҳолга келтириш ва бошқача тарзда иш берувчига зарар етказишнинг олдини олиш борасида, уларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган ҳолатларни ўрганиш ва бундай нохуш ҳоллар юзага келишининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутди.

Меҳнат шартномаси тарафлари моддий жавобгарлигининг шартлари ва турлари

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ, меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказилган зарарни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга асосан қоплаши лозимдир. Етказилган зарарни бундай қоплаш мажбурияти меҳнат ҳуқуқи бўйича моддий жавобгарлик деб аталади.⁵

Меҳнат шартномаси ёки унга қўшимча равишда тузилган ёзма шаклдаги келишувда, шунингдек жамоа шартномасида меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги аниқлаштириб қўйилиши мумкин. Бунда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлиги қонунда назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлиши мумкин эмас.

⁵ Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. Т: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002 й. 263-бет.

Зарар етказилганидан кейин меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинганлиги меҳнат шартномаси тарафларини моддий жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлмайди.

Қонунга биноан, меҳнат шартномасининг бир тарафи ғайриҳуқуқий айбли хулқ-автори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Баъзан иш берувчи айби бўлмаган ҳолларда ҳам моддий жавобгар бўлади. Масалан, иш берувчи юқори хавф манбаи натижасида ходимнинг соғлиғига етказилган зарар учун моддий жавобгар қилинади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 189-моддаси).

Ҳаётда моддий зарар ходим томонидан, шунингдек иш берувчи томонидан етказилади. Шу боис зарар ким томонидан етказилганлигига қараб иш берувчи етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги учун, шунингдек ходимни меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум этганлиги (ғайриқонуний равишда ишдан бўшатганлик) учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги каби жавобгарликлар деб фарқ қилинади.

Бу ҳар икки турдаги жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиб, улар қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорлари, ундириш тартиблари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Айни вақтда бу жавобгарликлар билан боғлиқ муносабатлар бошқа-бошқа турли норматив актлар билан тартибга солинади. Аммо бундай жавобгарликнинг шартлари ҳар икки турдаги, яъни ходимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам моддий жавобгарлиги учун бир хилдир.

Меҳнат қонунчилигида моддий жавобгарликнинг асослари ва шартлари қатъий белгилаб қўйилган.

қонунга мувофиқ, бир вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса, меҳнат шартномаси тарафларнинг моддий жавобгарлиги келиб чиқиши мумкин, агар:

- 1) ҳақиқатда ҳам зарар етказилган бўлса;

- 2) зарар қонунга номувофик ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилган бўлса;
- 3) ходимнинг бундай ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан етказилган зарар ўртасидаги узвий боғланиш бўлса;
- 4) зарар етказишда ходимнинг айби бўлса.

Агар бу тўртта шартдан бирортаси ҳам мавжуд бўлмаса, моддий жавобгарликни белгилаш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1990 йил 14 декабрдаги “Корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарар учун ходимларнинг моддий жавобгарлигини тартибга солувчи қонунларнинг Республика судлари томонидан қўлланиши ҳақида”ги қарорида таъкидланишича судлар ходимларни моддий жавобгар қилиш шартларининг мавжудлигини, шунингдек, тўланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилаш билан боғлиқ бўлган ҳолатларни алоҳида синчиклаб аниқлашлари лозим. Бу шартлардан бирортасининг йўқлиги даъвони рад этиш учун асос бўлади.¹

Меҳнат шартномаси тарафларининг илмий жавобгарлиги билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниш ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари” асосида ҳал қилинади. Бундан ташқари, тарафларнинг моддий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўришда судлар Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида” 1991 йил 19 ноябрдаги қонуни, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари” тўғрисидаги 2000 йил 25 майдаги қонуни, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 1996 йил 26 апрелдаги қонуни, “Почта алоқаси тўғрисида” 2000 йил 30 августдаги каби қонунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бюллетени. 1991 йил, 3-сон, 3-бет; 1994 йил, 3-сон, 3-бет.

“Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармони ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қиладилар. Шунингдек, судлар бу тоифа низоли ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қорхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарар учун ходимларнинг моддий жавобгарлигини тартибга солувчи қонунларнинг Республика судлари томонидан қўлланиши ҳақида 1990 йил 14 декабрдаги 5-ПЛ-90-сонли қарори¹ (мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги 5-ПЛ-92-сонли қарори ҳамда 1994 йил 7 январдаги 6-сонли қарори асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган), суднинг ҳал қилув қарорида 1998 йил 17 апрелдаги 13-сонли қарори “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”, 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарори “Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”, 1998 йил 21 сентябрдаги 21-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармонини тадбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида”, 1998 йил 9 апрелдаги 72-сонли¹ қарорларини қўлланадилар.

**Иш берувчига етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлиги:
тушунчаси ва турлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида таъкидланишича, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бюллетени. 1991 йил, 3-сон, 3-бет; 1994 йил, 3-сон, 3-бет.

¹ Мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 июлдаги 86-қарори асосида ўзгартириш ва қўшимча киритилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Қонунга кўра, иш берувчининг мулкига зарар етказишда айбдор деб топилган бевосита қилинган ҳақиқий зарар учун моддий жавобгар бўлади. Корхона мулкини асраб сақлаш, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ходимнинг бурчи ҳисобланади. Меҳнат билан яратилган бойликни - мулкни сақлаш муҳим иқтисодий ва сиёсий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боис фуқаролар мулкини асраши ва мустаҳкамлаши шарт. Мулкни талон-тарож ва исроф қилишга қарши курашиш, бойликни асраш ҳар бир ходимнинг бурчидир.

Бу қоида Республика меҳнат қонунчилигида ҳам ўз аксини топгандир.

Маълумки, фуқароларнинг меҳнат қонунлари билан ўрнатилган моддий жавобгарлиги юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиб, ходим айна бир вақтда битта ножўя ҳаракат учун турли жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида ходимлар томонидан корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган чоралар тизими белгиланган бўлиб, зарарни ундириш билан боғлиқ масалалар бир қатор махсус норматив ҳужжатларларга мувофиқ ҳал этилади.

Ходимларнинг моддий жавобгарлиги, уларнинг қонунга номувофиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида ўзи меҳнат муносабатларида бўлган корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарарни меҳнат қонунларида белгиланган миқдор ва тартибда қоплаш мажбуриятидан иборатдир.

Муҳими, ходим ўзи меҳнат муносабатларида бўлган корхона, муассаса, ташкилотга моддий зарар етказган тақдирда меҳнат қонунларига асосан жавобгар бўлади. Бундай моддий жавобгарликни белгилашда қуйидаги мақсадлар назарда тутилади:

1. ходимларнинг мулкка эҳтиёткорона муносабатда бўлишларини таъминлаш;
2. иш ҳақини сақлаш кафолатларини кучайтириш;
3. меҳнат интизомини мустаҳкамлаш;
4. ижтимоий йўналишдаги бозор муносабатларини ривожланиб бораётган шароитда корхоналарнинг манфаатлари ҳамда меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш.

Меҳнат кодексининг 198-моддасига мувофиқ, ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан, иш берувчининг учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулки) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек иш берувчига ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади.

Бу тушунча мазкур Пленум қарорида кенгроқ баён этилган. Бунга кўра, бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда корхона, муассаса, ташкилот мулкнинг камайиши (йўқолганлиги, қийматининг пасайиши, мулк ҳолатининг ёмонлашуви, мулкни тиклаш учун қилинган сарфлар, ошиқча пул тўловлари) тушунилади.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам иш берувчига бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, қонунчиликда ходимни моддий жавобгарликдан истисно этувчи ҳолатлар ҳам кўзда тутилади.

Агар зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нормал ҳўжалик таваккалчилиги оқибатида, охирги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходим моддий жавобгарликдан мустасно этилади.

Зарарни шартли равишда иккига бўлиш мумкин:

- 1) ҳақиқий зарар;
- 2) олинмай қолган даромад.

Меҳнат муносабатлари бўйича моддий жавобгарлик фақат ҳақиқий зарар мавжуд бўлгандагина вужудга келади, олинмай қолган даромад ҳисобланмайди.

Ходимнинг муайян қонунга зид ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли олинмай қолган, лекин олинishi мумкин бўлган фойда олинмай қолган даромад деб ҳисобланади. Масалан, ходим станокни бузган пайтда корхона учун ҳақиқий зарар келиб чиқади, аynи вақтда станокнинг ишламаслиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқарилмайди, натижада олинмай қолиб, яна зарар етказилади.

Ходим ишга чиқмаса ҳақиқий зарар етказилмайди, лекин станокнинг бўш туриши натижасида даромад олинмайди ва зарар етказилади.

Биринчи ҳолатда ходимдан станокнинг ремонти учун етказилган ҳақиқий зарар ундирилади, иккинчи ҳолатда эса ходим моддий жавобгарликка тортилмайди, чунки олинishi мумкин бўлган-у, лекин олинмай қолган фойда туфайли моддий жавобгарлик келиб чиқмайди.

Ходим қонунлар, ҳукумат қарорлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, инструкциялар ва бошқа маъмурий қоидалар, шунингдек, маъмуриятнинг буйруқ ва фармойишлари билан белгилаб қўйилган ўз меҳнат вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, унинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги қонунга номувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Корхона, муассаса, ташкилотга зарар ходимнинг қонунга номувофиқлик ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилган бўлиши керак. Бунда интизомга хилоф ножўя ҳаракат ёки жиноят белгиларининг элементлари мавжуд бўлиши керак.

Қонунга номувофиқ ҳаракат ҳуқуқ нормалари билан тақиқланган ҳаракат бўлиб, ходим шундай ҳаракатларни қилишдан сақланишга мажбурдирлар. Қонунга мувофиқ ҳаракатсизлик эса ҳуқуқ нормаларида бажарилиши лозимлиги кўрсатилган, лекин ходим бажармаган ҳаракатдир. Хуллас, ходимга муайян ҳаракатларни қилиш мажбурияти юклатилган бўлсагина, унинг ҳаракатсизлиги қонунга номувофиқ деб ҳисобланади.

Муҳими шундаки, нормал ишлаб чиқариш-хўжалик шароитида иш манфаатларини кўзлаб, таваккалига қилинган ҳаракатлар оқибатида келиб чиққан зарар учун ходимга моддий жавобгарлик юклатиш мумкин эмас.

Ходим охириги зарурият туфайли, масалан, киши нобуд бўлишининг олдини олиш ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг мулкани сақлаб қолиш мақсадида мулкка зарар етказганда ҳам моддий жавобгарлик келиб чиқмайди.

Ходимнинг корхона, муассаса, ташкилотга етказган зарарни тўлаш мажбурияти, унинг қонунга номувофиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида келиб чиққанлиги исботланган тақдирдагина моддий жавобгарлик вужудга келади. Бошқача қилиб айтганда, ходимни моддий жавобгарликка тортиш учун унинг қонунга номувофиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан етказилган зарар ўртасида узвий боғланиш бўлиши керак. Чунки сабаб бўлмаса, оқибат ҳам вужудга келмайди. Демак, ходимнинг ҳаракати бир воқеа йўналишига таъсир этмаса, зарар ҳам келиб чиқмайди.

Ходим қонунга зид ҳаракати билан зарар етказишда муайян ходисанинг нормал йўналишини ўзгартиради, йўналишига аралашади, таъсир кўрсатади, оқибатда зарар вужудга келади. Агар ходимнинг қонунга мувофиқ ҳаракати билан вужудга келган зарар ўртасида узвий боғланиш бўлса, зарар ходимнинг ҳаракати таъсирида рўй берган деб ҳисобланади.

Етказилган зарар билан ҳаракат(ҳаракатсизлик) ўртасида узвий боғланиш бўлмаса, ходимнинг қонунга номувофиқ ҳаракати ва айбининг формаси тўғрисидаги масалани ҳал қилиш зарурияти ҳам бўлмайди. Бундай узвий боғланишнинг мавжудлигини белгилаш учун зарар келтириб чиқарган сабабларни синчиклаб аниқлаш лозимдир.

Ходимга моддий жавобгарлик юклатиш учун зарар етказишда унинг айби бўлмоғи лозим. Етказилган зарар учун ходимни жавобгар қилишда айбнинг ҳар қандай шакли ҳам ҳуқуқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо айбнинг аниқ шакли, яъни қасд ёки эҳтиётсизликни аниқлаш тўланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилашда муҳимдир.

Шу билан бирга судлар ҳамма вақт иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни, зарар етказишда ходимнинг айби мавжудлигини, унинг қонунга номувофиқлик ҳаракати(ҳаракатсизлиги) билан етказилган зарар ўртасидаги узвий боғланишни ҳар тарафлама аниқлашлари лозим.

Истисно тариқасида айрим ходимлар, яъни махсус қонунларга биноан ёки ўзларига ишониб топширилган мулкнинг камомоди учун ёзма шартнома асосида тўлиқ моддий жавобгарлик белгиланган шахслар зарар етказилишида ўз айблари йўқлигини исботлаб беришга мажбурдирлар.⁶

Маълумки, меҳнат ҳуқуқи нормалари бўйича моддий жавобгарлик ўзлари корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларида турган ходимларга юклатилади. Айни вақтда корхона ўз ходими томонидан учинчи шахсларга етказилган зарарни тўлалигини сабабли ҳам моддий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин.

Агар меҳнат фаолияти жараёнида ходим учинчи шахсларга зарар етказган бўлса ва бу зарар амалдаги қонунларга мувофиқ корхона, муассаса, ташкилот томонидан қопланган бўлса, ходимга нисбатан қўзғатилган даъво бўйича, регресс тартибида корхона, муассаса, ташкилотга қонунда белгиланган миқдорда бу зарарни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин.

Зарар корхона ходимлари ҳамда корхона билан меҳнат муносабатларида бўлмаган шахсларнинг биргаликдаги ҳаракати туфайли етказилган ҳолларда, жавобгарлик икки турдаги қонунчилик асосида белгиланади. Бунда корхонанинг ходимлари меҳнат қонунлари нормаларига биноан, корхона билан меҳнат муносабатларида бўлмаган шахслар эса, фуқаролик ҳуқуқи нормаларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Лекин бу шахслар бошқа корхона олдида ўз хизмат бурчларини бажариш вақтида мазкур корхонага зарар етказишлари мумкин. Бундай ҳолда, аввало ҳар икки корхона ўртасида фуқаролик қонунлари нормалари бўйича жавобгарликни тақсимлаш масаласини ҳал қилиб олинади. Чунки

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 203-моддаси.

ташкилот ўз ходимлари томонидан меҳнат (хизмат) бурчларини бажариб турган вақтда уларнинг айби билан етказилган зарарни тўлашга мажбурдир.⁷

Суд ҳукмига асосан ахлоқ тузатиш ишларига, худди шунингдек шартли равишда озодликдан маҳрум қилиниб, мажбурий меҳнатга жалб этиш чорасини ўтаётган шахслар ҳам ўзлари ишлаётган корхонага зарар етказсалар, меҳнат қонунларига биноан моддий жавобгарликка тортиладилар.

Озодликдан маҳрум қилинган шахслар ҳам жазони ўтаётган вақтларида меҳнат бурчини бажариш муносабати билан зарар етказсалар, Меҳнат қонунларида белгиланган миқдорда моддий жавобгарликка тортиладилар.

Ходимларнинг корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарар учун меҳнат ҳуқуқи нормалари билан ўрнатилган моддий жавобгарлиги фуқаролик ҳуқуқий нормалари билан белгиланган мулкӣ жавобгарликдан субъектлари, объектлари қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорлари ва ундириш тартиблари жиҳатидан фарқ қилади.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, меҳнат ҳуқуқига кўра ўзлари меҳнат муносабатларида бўлган корхона, муассаса, ташкилотга зарар келтирган ходимлар моддий жавобгарликка тортиладилар. Бундай моддий жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқий нормалари билан мулкӣ жавобгарликдан қуйидагилар билан фарқ қилади:

биринчидан, ходим фақат бевосита етказилган ҳақиқӣ зарар учун моддий жавобгар бўлади, фуқаролик ҳуқуқидаги олиними мумкин бўлган-у, аммо олинмай қолган фойда ундирилмайди;

иккинчидан, меҳнат ҳуқуқига кўра, ходимнинг моддий жавобгарлигининг миқдори унинг ўртача ойлик маоши миқдори билан чекланган, бундан ошиб кетиши мумкин эмас. Фуқаролик ҳуқуқида эса бу қоида мавжуд эмас. Унга кўра, етказилган зарар тўлиқ миқдорда ундирилади;

учинчидан, меҳнат ҳуқуқига кўра етказилган зарарни чекланган миқдор ва белгиланган муддатларда иш берувчи томонидан ундириб олишга йўл

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 989-моддаси.

кўйилади. Фуқаролик ҳуқуқида эса бу қоида йўқ, аксинча, етказилган мулкый зарар тўлиқ миқдорда ундирилади;

тўртинчидан, меҳнат қонунчилигига кўра иш берувчи ходимнинг нормал ишлаши ва мулк тўлиқ сақланиши учун тегишли шароит яратиб бериши керак. Фуқаролик ҳуқуқида эса мулкый жавобгар шахснинг ўзи тегишли шароит яратмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 199-моддасига мувофиқ, нормал ишлаб чиқариш таваккалчилиги натижасида келиб чиққан зарар учун ходим жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Нормал ишлаб чиқариш таваккалчилигига, жумладан, қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқаришда янги ускуна ва қурилмаларнинг ўрнатилиши, янги технологик жараённинг жорий этилиши, меҳнатнинг янги услуб ва методларига ўтиш;
- корхона фаолиятининг тугаши ва ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига йўл қўймаслик мақсадида бир турдаги материаллар ўрнига бошқасидан фойдаланиш;
- шартнома ва режавий шартномаларида кўзда тутилганидан анча афзал нусха ва шаклдаги ишлаб чиқариш техникавий маҳсулот ва халқ истеъмол молларини чиқаришни ўзлаштириш;
- бир корхона олдидаги шартнома мажбуриятларини бажариш мақсадида ва корхона манфаатларини кўзлаб бошқа бир ташкилот билан унинг томонидан маҳсулот етказиб бериш ёки маълум ишларни бажариш тўғрисида шартномалар тузиш;
- муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган объектни кўриб битказиш мақсадида иккинчи бир объектдаги қурилиш ишларини вақтинчалик тўхтатиб туриш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишини ташкил этишнинг янги шакллари ўзлаштириш, янги агротехник услубларни тажриба сифатида жорий этиш, янги нав уруғни қўллаш;

- бозор конъюктурасидаги юз берган ўзгаришлар натижасида келиб чиққан зиён ва бошқалар.

Бу кўрсатилган ва шунга ўхшаш ҳолатлар ишда яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, бекор туриб қолиш, жарима санкциялари бўйича тўловлар қилиш заруриятини келтириб чиқарган тақдирдагина, етказилган зарарни нормал ишлаб чиқариш оқибатлари деб ҳисобланади.

Қонунчиликда иш берувчига ходимдан зарарни ундиришдан воз кечиш ҳуқуқи ҳам берилган. Бунинг маъноси шундан иборатки, иш берувчининг зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Давлат мулки шаклидаги корхоналарда бу масала агар жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, шундай қарор қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

Ходимнинг моддий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 198-210 моддалари ва бошқа тегишли норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари, судлар бу тоифа ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарар учун ходимларнинг моддий жавобгарлигини тартибга солувчи қонунларнинг Республика судлари томонидан қўлланиши тўғрисида” 1990 йил 14 декабрдаги 5-ПЛ-90-сонли қароридан фойдланадилар.

Меҳнат қонунчилигида икки турдаги: чекланган ва тўлиқ моддий жавобгарлик белгиланган.

Чекланган миқдордаги моддий жавобгарликнинг ҳам икки тури мавжуддир. Чунончи:

- а) бевосита етказилган ҳақиқий зарар миқдорида, лекин ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи ошмайдган миқдордаги жавобгарлик;
- б) ходимнинг уч ойлик маошидан ошмайдиган миқдордаги моддий жавобгарлик.

Чекланган миқдордаги моддий жавобгарликда етказилган зарар илгаридан белгилаб қўйилган чегара доирасида қопланади. Қоида тариқасида, бундай чегара эса ходимнинг ўртача ойлик(маоши) ҳамда 3 ойлик маоши билан белгиланади.

Меҳнат қонунларига кўра чекланган миқдордаги моддий жавобгарликнинг асосий тури ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдордаги жавобгарликдир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 201-моддасига мувофиқ, ўз меҳнат бурчларини бажараётганда етказилган ҳақиқий зарар миқдори ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади. Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилиш ёки ходимни ғайриқонуний равишда айбдор бўлган мансабдор шахслар уч ойлик миқдорида моддий жавобгар бўладилар.

Ўртача ойлик иш ҳақи зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб ҳисобланади. Қоидага кўра, етказилган зарар миқдори ходимнинг охириги икки ойлик иш ҳақи маоши юзасида ҳисоблаб чиқарилади. Агар зарар миқдори ундан ортиқ бўлмаса, фақат ҳақиқий зарарнинг ўзи ундирилади.

Одатда, мулк, материаллар, махсулотлар берилган ва бошқалар эҳтиётсизлик натижасида бузилган ёки йўқ қилинган, шунингдек, ходимнинг айби билан жарима тўланган ҳолларда бундай моддий жавобгарлик келиб чиқади.

Корхоналар, массасалар ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари ва мансабдор шахслар ҳам етказилган зарар учун ўртача ойлик маошидан ортиқ бўлмаган миқдорда моддий жавобгарликка тортиладилар. Чунончи:

- а) меҳнат дафтарчаси берилмаганлиги сабабли корхона томонидан ходимга мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўланган тақдирда;
- б) вагонларнинг белгиланган вақтдан ортиқ туриб қолишида ходим айбдор бўлган тақдирда шундай жавобгарлик юзага келади.¹

¹ Мазкур Пленум қарорининг 19, 20-бандлари.

Ходимни қонунга хилоф равишда ишдан бўшатишда ёки бошқа ишга кўчиришда айбдор бўлган мансабдор шахслар ўртача уч ойлик маоши доирасида моддий жавобгар бўладилар (Меҳнат кодексининг 274-моддаси).

Бундай мажбурият, агар меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки мансабдор шахс суднинг ходимни ишга иклаш ҳақидаги қарори ижросини кечиктирган бўлса юклатилади (Меҳнат кодексининг 277-моддаси).

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар миқдорида, лекин ўртача ойлик маошидан ошмайдиган миқдордаги моддий жавобгарликда ўртача иш ҳақи амалдаги қонунларга мувофиқ зарар етказган шахснинг охириги икки календарь ойлик маошидан, агар жавобгар шу корхона, муассаса, ташкилотда икки ойдан кам ишлаган бўлса, унинг ўртача иш ҳақи ҳақиқатда ишлаган вақти юзасидан ҳисоблаб чиқарилади. Ўртача ойлик иш ҳақи зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб ҳисобланади.

Иш берувчига етказилган зарар учун ходимларнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги ва унинг турлари

Меҳнат қонунчилиги ходимларнинг чекланган модий жавобгарлигидан ташқари уларнинг тўлиқ моддий жавобгарликка тортилиш ҳолатларини ҳам белгилаб қўйган. Тўлиқ моддий жавобгарлик етказилган зарар учун ҳеч қандай чеклашларсиз тўлиқ қопланиши лозим бўлган жавобгарлик ҳисобланиб, у фақат тегишли асослар мавжуд бўлганидагина юзага келади.

Амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ, етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади (МКнинг 202-м):

- 1) махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун (203-модда);
- 2) бир галлик ҳужжатлар асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;
- 3) қасддан зарар етказилганда;
- 4) алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд ва токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;

- 5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;
- 6) тижорат сирлари ошкор этилганда;
- 7) қонунларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар фақат қасддан етказилган зарар учун, алкоғоллик ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ёки жиноят содир этиш натижасида етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан тузилган тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартнома ҳеч бир ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмай, вояга етмаган ходимга фақат чекланган моддий жавобгарлик юкланиши мумкин.

Суд амалиётида ўн саккиз ёшга тўлмаган ходим билан тузилган тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномаси асосида ходим вояга, яъни 18 ёшга етганидан кейин юз берган зарар қандай ҳажмда ундирилиши лозим деган муаммо юзага келади. Фикримизча, бундай ҳолда ходим эгаллаб турган лавозим (вазифа) тегишли рўйхатда назарда тутилган бўлса ва ходим 18 ёшга тўлганидан кейин моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома қайта расмийлаштирилган(ходим у билан қайта таништирилиб, унинг имзоси билан қайта тасдиқланган) ҳолдагина у ўзига ишониб топширилган пул ёки товар қимматликларига зарар етказилгани учун тўлиқ моддий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 202-моддаси 1-бандига кўра, бевосита пул ва товар қимматликлари билан муомала қилувчи ходим махсус шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (МКнинг 203-моддаси).

Бевосита пул ва товар қимматликлари билан муомала қилувчи 18 ёшга тўлган ходим билан ишга қабул қилиш пайтида ҳам, кейинчалик ҳам меҳнат шартномасига қўшимча тарзда тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида махсус ёзма шартнома тузилиши мумкин.

Қонунда тўлиқ моддий жавобгарликнинг иккита муҳим шарти мавжуддир: биринчидан, ёзма шартнома асосидаги моддий жавобгарлик махсус рўйхатда кўрсатилган лавозимларни эгаллаган ёки ишларни бажараётган бўлиши; иккинчидан, ходим билан иш берувчи ўртасида тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома мавжуд бўлиши лозим.

Меҳнат қонунчилигида тўлиқ моддий жавобгарликнинг икки тури: якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик ва жамоа моддий жавобгарлиги мавжуд.

Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлган корхона, муассаса, ташкилотлар сақлаш учун топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида қўллашда тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартномалар тузиши шарт бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажарадиган лавозимлар ёки ишларнинг намунавий рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 1996 йил 2 апрелда тасдиқланган. Якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги намунавий шартнома ҳам мазкур вазирлик томонидан 1996 йил 2 апрелда тасдиқланган.¹

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, - иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бевосита пул ва товар қимматликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган

¹ Қаранг: М.Ю.Гасанов, Е.А.Соколов. Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси (контракт). 3-китоб, “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси” нашриёти уйи. Тошкент., 335-338-бетлар.

бўлинмаларнинг рўйхати худди шундай тартибда белгиланади ҳамда бундай ҳолларда жамоа моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин.

Агар ходим талабгор бўлаётган иш(лавозим) тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузишни талаб қилса, ходим эса бундай шартнома тузишга рози бўлмаса, иш берувчи уни ишга қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

Якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномага биноан қимматликлар уларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун шахсан жавобгар бўладиган аниқ бир ходимга топширилади. Бундай шартнома тузган ходим жавобгарликдан озод бўлиш учун ўзининг айби йўқлигини исботлаб бериши керак.

Қимматликларга оид хизмат (сақлаш, сотиш, ташиш, қайта ишлаш) билан боғлиқ корхоналарда иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан таҳлика (таваккалчилик) жамғармаси тузилиши мумкин, камомадларни шу жамғарма ҳисобидан қоплашга йўл қўйилади.

Ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузилмаган, шунингдек бундай шартнома пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан, 18 ёшга тўлмаган шахс билан ёки рўйхатда кўрсатилган ходимлар тоифасига кирмайдиган шахс билан тузилган ҳолларда, иш берувчига етказилган зарар учун ходимга чекланган моддий жавобгарлик юклатилиши мумкин. Бундай ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик қонунда назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлсагина юклатилиши мумкин.

Корхона, муассаса, ташкилот билан юқорида махсус эслатилган рўйхатдаги лавозим ва ишларни бажараётган ходимлар ўртасида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузишда қуйидаги шартлар, албатта, мавжуд бўлиши лозим: а) ходим 18 ёшга тўлган бўлиши керак; б) қимматликлар сақлаш, қайта ишлаш, сотиш(бериш), ташиш ёки ишлаб

чиқариш жараёнида улардан фойдаланиш учун бевосита ходимга топширилган ва ходим билан ёзма шартнома тузилган бўлиши керак.

Рўйхат икки бўлимдан иборатдир: биринчи бўлимда тўлиқ моддий жавобгарлик асосида қимматликлар топшириладиган лавозимлар, иккинчи бўлимда ишларнинг номлари кўрсатилган. Рўйхатнинг ҳар иккала бўлими ҳам соҳалараро аҳамиятга эгадир. Кўрсатилган лавозимлар ва ишлар рўйхати тугал бўлмай, у намунавийлик характериға эға.

Одатда, якка тартибда тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартномада иш берувчи ва ходимнинг мажбуриятлари конкрет белгилаб қўйилады. Чунончи, ходимнинг мажбуриятлари асосан қуйидагилардан иборатдир:

- а) сақлаш учун ишониб топширилган қимматликларға эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва зарар етишининг олдини олиш;
- б) қимматликларнинг сақланишиға таҳдид солувчи барча ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида иш берувчини хабардор қилиш;
- в) белгиланган тартибда ҳисоб олиб бориш, қимматликларнинг ҳаракати ва қолдиқлари ҳақида ҳисобот тузиш ва ўз вақтида тақдим этиш;
- г) ўзига ишониб топширилган моддий қимматликларнинг инвентаризация ишларида иштирок этиш ва ҳоказолар.

Иш берувининг мажбуриятлари:

- а) ходимға қимматликларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш;
- б) ходимни корхона, муассаса, ташкилотға етказилган зарар учун моддий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик билан, шунингдек қимматликларни қабул қилиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш) ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида ўзига ишониб топширилган моддий қимматликлардан фойдаланишға доир амалдаги инструкциялар, сақлаш нормативлари ва қоидалари билан таништириш;
- в) белгиланган тартибда қимматликларни инвентаризация қилиб туриш ва ҳоказо.

Иш берувчининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги моддий жавобгарликнинг миқдорини ўзгартириши, ҳатто ходимни моддий жавобгарликдан бутунлай озод қилиши, шунингдек, айрим мансабдор шахсларни ҳам жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин. Шунинг учун судлар ёзма шартнома асосидаги моддий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўраётганда иш берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилганлигини текширишлари, бу ҳолатнинг эса ундирилиши лозим бўлган зарар миқдорини белгилаш учун аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олмоқлари лозим.

Ёзма шартнома асосида ходим ўзига корхона, муассаса, ташкилот томонидан сақлаш ёки бошқа мақсадларда берилган мулкка ва бошқа қимматликларга уларни сақлашни таъминламаганлик туфайли етказилган зарарнинг туридан қатъий назар камомад, бузилиш, йўқ қилиб юбориш ва ҳ.к. кабилар тўлиқ моддий жавобгарликка тортиладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 18 ёшга тўлмаган шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартнома тузилиши мумкин эмас. Башарти қонунга ҳилоф равишда ёзма шартнома тузилган бўлса, бундай ҳолда моддий жавобгарлик шартнома асосида эмас, балки умуман меҳнат қонунларига биноан келиб чиқади. Бу айтилган фикрлар 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг фақат ёзма шартнома асосидаги тўлиқ моддий жавобгарлигига тегишлидир. Айни вақтда улар қонун бўйича бошқа асосларга мувофиқ (масалан, зарар ходимнинг жиноий ҳаракати натижасида ёки меҳнат бурчларини бажармаслик ҳолатида етказилган ҳолларда) тўлиқ моддий жавобгарликка тортилаверадилар.

Ўзларига ишониб топширилган қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки иш жараёнида улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган айрим ишларни биргаликда бажарган тақдирда ва агар ҳар бир ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлигини чегаралаш ва у билан тўлаш моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш иложи бўлмаса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилади.

Жамоа моддий жавобгарлиги ҳақидаги шартномага мувофиқ қимматликлар, уларнинг сақланишини таъминланмаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгарлик юклатиладиган олдиндан белгиланган шахслар гуруҳига топширилади.

Бевосита пул ва товар қимматликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлинмаларнинг рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилади. Агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Жамоа моддий жавобгарлиги фақат қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирда келиб чиқади:

- а) икки ва ундан ортиқ ходимлар томонидан Рўйхатда кўрсатилган ишлар биргаликда бажариладиган бўлса;
- б) ҳар бир ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлигини чегаралаш ва у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузишнинг иложи бўлмаса;
- в) жамоа тўлиқ моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилган бўлса;
- г) жамоа аъзоларининг ҳар бири томонидан имзоланган ёзма шартнома мавжуд бўлса.

Агар жамоа таркибида 18 ёшга тўлмаган шахслар мустақил тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида илгари ёзма шартнома тузган ходимлар бўлса, бундай жамоа билан доимий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиш мумкин эмас.¹

Афсуски, ҳозирга қадар жамоа моддий жавобгарлиги тўғрисидаги намунавий ёзма шартнома тасдиқланган эмас.

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномада, албатта жамоа аъзолари ҳамда иш берувчи муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пенумининг 1990 йил 14 декабрдаги қарорининг 17-банди.

Чунончи:

- а) қимматликларни қабул қилиш ва сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки қимматликлардан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш ишлари бўйича ўзаро назоратни амалга ошириш;
- б) жамоага топширилган қимматликларни инвентаризация қилишда иштирок этиш;
- в) жаммоага топширилган қимматликларнинг ҳаражати ва қолдиқлари тўғрисидаги ҳисоботлар билан танишиш;
- г) зарур ҳолларда маъмуриятдан жамоага топширилган қимматликлар устидан инвентаризация ўтказилишини талаб қилиш;
- д) иш берувчига жамоа аъзоларини, шу жумладан, жамоа раҳбарини ҳам, уларнинг фикрича, қимматликларнинг сақланишини таъминлай олмаса, чиқариб юборишни талаб қилишлари мумкин.

Жамоа аъзолари:

- а) қимматликларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари ва зарар етишининг олдини олишлари;
- б) белгиланган тартибда ҳисоб олиб боришлари, қимматликларнинг ҳаракати ва қолдиқлари ҳақида ҳисобот тузишлари ва ўз вақтида маъмуриятга тақдим этишлари;
- в) қимматликларнинг сақланишига таҳдид солувчи барча ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида иш берувчини хабардор қилишга мажбурдирлар.

Иш берувчи:

- а) жамоага қимматликларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган шароитларни яратиб бериши;
- б) жамоа томонидан қимматликларнинг сақланишини таъминлашга тўсқинлик қилувчи сабабларни ўрганиши ва йўқ қилиш, зарар етказишда айбдор бўлган конкрет шахсларни аниқлаши ҳамда уларни қонун билан белгиланган моддий жавобгарликка тортиши;
- в) амалдаги йўриқномалар ва қоидалар билан таништириши;

г) қимматликларнинг сақланишига таҳдид солувчи ҳолатлар ҳақидаги жамоа нинг хабарларини кўриб чиқиши ва бундай ҳолатларни йўқотиш чораларини кўрмоғи шарт.

Жамоа аъзолари зарар уларнинг айбисиз етказилганлиги, конкрет айбдор аниқланса, моддий жавобгарликдан озод қилинадилар. Қонунга биноан зарар уларнинг ойлик иш ҳақига ва охири инвентаризация то зарар аниқлангунга қадар бўлган давр мобайнида ҳақиқатда ишлаган вақтда мутаносиб равишда жамоа аъзолари томонидан қопланади.¹

Меҳнат кодексининг 202-моддаси 2-бандига кўра, бир галлик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик оқибатида етказилган зарар учун жавобгарлик белгиланган. Бундай тўлиқ моддий жавобгарлик ходим томонидан мулк ва бошқа қимматликларни ўз ҳисоботига олиш бир марталик характерида бўлиб, унинг меҳнат функциясининг асосий мазмунини ташкил этмаслиги керак.²

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ваколатномани ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартнома деб қаралмаслиги керак. Чунки ваколатнома меҳнат ҳуқуқининг эмас, балки, фуқаролик ҳуқуқининг институтидир.

Умуман бир марталик ваколатнома ва бошқа ҳужжатлар асосидаги тўлиқ моддий жавобгарлик мулк ва қимматликларнинг камомади, бузилиши натижасида келиб чиқади. Меҳнат кодексининг 202-моддаси 3-бандида кўрсатилган моддий жавобгарлик ва қимматликларнинг қасддан йўқ қилиниши ёки қасддан бузилиши натижасида келиб чиққан зарар учун белгиланган бўлиб, бундай кўзланган мақсад айрим мулк объектларининг қаттиқ сақланишини таъминлашдир.

Шунга мувофиқ, материаллар, ярим фабрикатлар, буюмлар (маҳсулотлар), шу жумладан ишлаб чиқарилаётган буюмлар, шунингдек, иш берувчи томонидан ходимга фойдаланиш учун берилган асбоблар, ўлчовлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1990 йил 14 декабрдаги қарорининг 28-банди.

² Ўша Пленум қарорининг 23-банди.

приборлари, махсус кийим ва бошқа буюмлар камомад бўлиши, қасддан йўқ қилиниши ёки қасддан бузилиши оқибатида етказилган зарар учун тўлиқ миқдорда моддий жавобгарлик келиб чиқади. Бунда айбнинг шакли асосий роль ўйнайди. Чунки, шу турдаги мулк объектларига етказилган зарар учун бошқача тарздаги моддий жавобгарлик ҳам белгиланган.

Меҳнат кодексининг 202-моддаси 2-қисмида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу асос бўйича 18 ёшга тўлмаган ходимлар ҳам тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 4-бандига кўра, алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида етказилганда тўлиқ моддий жавобгарлик келиб чиқади. Бу мастлик ҳолатининг даражаси, қандай мулкка қай даражада зарар етказилганлиги, ходимнинг мутахассислиги, касби, лавзоими, шунингдек айбнинг шакли аҳамиятга эга эмас. Энг муҳими, ходимнинг юқорида эслатилган сабаблар туфайли мастлик ҳолати қонунчиликда белгиланган тартибда исботлаб берилиши зарур.

Баъзан юридик адабиётларда гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида етказилган зарар учун меҳнат қонунчилигида чекланган миқдордаги моддий жавобгарлик белгиланганлиги ҳақида фикр билдирилади.¹

Қонуннинг ушбу нормаси таҳлил қилиш шунга олиб келадикки, мастлик ҳолатини келтириб чиқарувчи сабаблардан қатъий назар, тўлиқ моддий жавобгарлик белгиланганлиги тўғри. Чунки 202-модданинг ушбу 4-бандида мастликни келтириб чиқарган сабаблар эмас, балки мастлик ҳолатининг ўзи эътиборлидир. Шунингдек, 18 ёшга тўлмаган ходимлар ҳам мастлик ҳолатида зарар етказилганда тўлиқ моддий жавобгарликка тортиладилар (Меҳнат кодексининг 202-моддаси 2-қисми).

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 202-моддаси 5-бандида тўлиқ моддий жавобгарликни келтириб чиқарадиган муҳим ҳолатлардан

¹ қаранг: К.Н.Гусов, В.Толкунова. Учебник. Трудовое право России. Издательство “Юрист”. М., 1997, стр.329.

бири баён этилган. Бундай тўлиқ моддий жавобгарлик ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари оқибатида зарар етказилган тақдирда келиб чиқади. Шунини алоҳида таъкидламоқ керакки, иш берувчи ходимнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)да жиноят белгилари бор-йўқлиги масаласини ўзи ҳал қилиши ва шу асосда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатишга ҳақли эмас. Чунки қонуннинг мазмунига кўра, ходимнинг моддий зарарни келтириб чиқарган жиноий ҳаракатлари суд ҳукми билан аниқланган ва ҳукм қонуний кучга кирган бўлиши лозим.

Авф этилганлиги ёки амнистия акти эълон қилинганлиги туфайли ходим жавобгарликдан озод этилган ҳолларда ҳам ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади. Чунки амнистия акти орқали шахслар жиноий жавобгарликдан, жиноий жазодан, жазонинг ўталмай қолган қисмидан, шунингдек, қўшимча жазолардан ҳам озод қилиниши мумкин.¹ Авф этиш масаласини кўриш вақтида эса бошқа ҳолатлар билан бирга келтирган зарарнинг ўз ихтиёри билан қопланганлиги ҳам эътиборга олинади.²

Шунингдек келтирилган зарарни тўлатишдан воз кечмай авф этилишидан норози бўлган корхона, муассаса, жамоа хўжалиги ёки бошқа жамоат ташкилотининг талаби бўлган шахсларга нисбатан фақат алоҳида ҳоллардагина, агар бунга бирор асос бўлса, комиссияда кўрилгач берилиши, авф этилиши мумкин.³

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида” 1998 йил 11 сентябрдаги 21-сонли қарорида таъкидланишича, корхона, муассаса, ташкилотда унинг бир неча ходими ёки бир ходими ва корхона билан меҳнат муносабатларида бўлмаган бошқа шахслар айби билан зарар етказилиб, бу зарар уларнинг биргаликдаги қасддан содир этилган жиноий ҳаракатлари натижасида етказилгани

¹ қаранг: Жиноий ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик, “Адолат”, Тошкент., 1998 йил, 262-бет.

² Ўша жойда 263-бет.

³ Ўша жойда 264-бет.

аниқланса, суд уларнинг барчасига биргаликда жавобгарлик мажбуриятини юклашга ҳақли:

- мазкур ғайриқонуний ҳаракатлари учун қонун талабларига кўра, моддий жавобгар ҳисобланувчи фуқаро ёки корхоналар жинойт оқибатида етказилган зарарни қоплашда биргаликда эмас, балки ҳиссали жавобгар бўладилар. Бир неча шахслар томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги қарор чиқараётган суд ҳукмининг қарор қисмида судланувчилардан қайси бирига биргаликда қайси бирига ҳиссали жавогарлик мажбурияти юкланиши, шунингдек зарарни қоплаш учун қанча миқдорда ва кимнинг фойдасига сумма ундирилишини кўрсатиши лозим (қарорнинг 10-банди);

- биргаликда моддий жавобгар бўлган маҳкумларга нисбатан чиқарилган ҳукм айрим шахсларга нисбатан бекор қилиниб, иш қайта судловга юборилганда умумий зарарнинг барчасини қоплаш мажбуриятини суд улар устидан ҳукм чиқарилган шахслар зиммасига юклатилмоғи лозим (қарорнинг 2-банди).¹

Шу ўринда юридик адабиётларда учраб турган айрим фикрлар хусусида тўхталиб ўтишни лозим топамиз.

Бундай фикрлар шундан иборатки, жинойт белгилари йўқлиги туфайли оқлаш ҳукми чиқарилган, жинойт иши шундай асосга биноан дастлабки тергов босқичида бекор қилинган тақдирда, бу етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишни фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриш учун тўсқинлик қилмаслиги лозим ва суд етказилган зарарни тўлиқ миқдорда ундириш ҳақидаги даъвони қаноатлантиришга ҳақлидир.¹

Меҳнат кодексининг 202-моддаси 6-бандига мувофиқ, тижорат сирлари ошкор этилганда тўлиқ моддий жавобгарлик келиб чиқади. Республикамиз фуқаролик қонунчилигида хизмат ва тижорат сирлари ошкор этилиши натижасида етказилган зарар учун моддий жавобгарлик белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 98-моддаси).

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тўплами (1991-1998 йиллар). “Шарқ” нашриёти матбаа концерни бош таҳририяти. Т., 1999 йил.

¹ қаранг: К.Н.Гусов, В.Толкунова. Учебник. Трудовое право России. Издательство “Юрист”. М., 1997, стр.326.

Меҳнат қонунчилигида эса фақат тижорат сирларини ошкор этганлик учун ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги белгиланган. Юридик адабиётларда шу масала хусусида аниқ фикрлар мавжуд бўлиб, тижорат сирларини меҳнат шартномаси, жумладан, контрактга хилоф равишда ошкор этган ходимларга нисбатан ҳам тўлиқ моддий жавобгарлиги юклатилмоғи лозим.¹ Таъкидлаш лозимки, бу масала фуқаролик қонунчилигида ҳам, меҳнат қонунчилигида ҳам янги бўлиб, аммо бундай моддий жавобгарликнинг шартлари умумийлик характериға эгадир. Чунончи, биринчидан, бу сирлар ҳақиқий ёки поренциал тижорат қимматиға эга бўлмоғи лозим, иккинчидан, бу тижорат сирлари учинчи шахслар учун номаълум бўлиши, ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаса, учинчидан, бу сирларнинг эгаси унинг махфийлигини сақлашға доир чоралар кўрган бўлиши шарт.

Тижорат ахбороти ёки корхонанинг (хўжалик юритувчи субъектнинг) тижорат сирини деганда корхонанинг (субъектнинг) ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштирилиши, молияси ва бошқа фаолият билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиш (топшириш) очилиб қолиши, унинг манфаатларига зарар етказилиши мумкин бўлган, давлат сирини бўлиб ҳисобланмайдиган маълумотлар тушунилади.²

Илгари ошкора-оммавий эълон қилинган маълумотлар, шунингдек ҳар бир шахс эркин танишиш, билишни талаб қилиш ҳуқуқиға ёки имкониятиға эга бўлган маълумотлар ҳам хизмат ёки тижорат сирлари бўлиб ҳисобланмаслиги лозим.³

Тижорат сирини аҳамиятиға эга бўлган ахборотларнинг таркибий қисми ва ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартиби иш берувчи томонидан белгиланади.

Юридик шахсларнинг уставларидаги мавжуд маълумотлар тижорат сирлари ҳисобланмайди.

¹ каранг: Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. част 1, под редакцией Садикова Ю.Н. "Юринформцентр". М., 1997, стр. 139-140.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик, "Адолат", 1999 йил, 432-бет.

³ Ўша жойда. 434-бет.

Меҳнат кодексининг 202-моддаси 7-бандига мувофиқ, етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгарлик фақат махсус қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида кўрсатилган ҳоллардагина юзага келади. Бунда ходим билан ёзма шартнома тузилганлиги, ходимнинг мулк ва бошқа қимматликларни бир ғаллик ҳужжатларга асосан, ўз ҳисобига олганлиги, шунингдек, унинг жинойй жавобгарликка тортилган-тортилмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Қисқаси, шундай ҳолатлар рўй берган тақдирда ҳам ходим фақат махсус қонун ёки Ҳукумат қарорлари асосида тўлиқ моддий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида” 2000 йил 31 августдаги қонунига мувофиқ алоқа органларининг ходимлари уларнинг айби билан почта жўнатмаларининг жўнатилиши, камомад бўлиши, шикастланиши ва ушланиб қолиши натижасида етказилган зарар учун мижозлар олдида тўлиқ жавобгар бўладилар. Энг муҳими, ходимнинг тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланган шахслар тоифасига тааллуқли эканлигини аниқлашдир.

Корхона, муассаса, ташкилотларнинг кассирлари ўзлари қабул қилиб олган барча қимматликларнинг сақланиши учун ҳамда қасддан қилган ҳаракатлари натижасида, шунингдек ўз вазифасига эҳтиётсизлик қилганлиги ҳалол муносабатда бўлмаслиги натижасида иш берувчига етказилган ҳар қандай зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1972 йил 6 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Касса операцияларини юргизиш тўғрисида низом”).

Корхона мулкдори ёки у ваколат берган орган билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхона раҳбари томонидан корхонага етказилган зарар белгиланган қоидаларга риоя этилган ҳолда тўланади. Етказилган зарарни корхона раҳбаридан ундириб олиш суд тартибида амалга оширилади. Ходимга зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилган бўлиб, ходим иш берувчининг мол-мулкига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармонида қатор хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг боқимандалик кайфияти, масъулиятсизлиги, ташаббускорлиги, шартнома мажбуриятларининг бузилиши корхоналарни иқтисодий ночорлик, банкротликка олиб келаётганлиги қайд этилди. Шунга қарамадан, хўжалик низоларини кўриб чиқиш жараёнида хўжасизлик, пул маблағларини беҳуда сарфлаш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига етарлича баҳо берилмай келинмоқда эди.

Иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда хўжалик судлари ролини ошириш мақсадида хўжалик судларига низоларни кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноий ишлар қўзғатиш, маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш, айбдор шахслар ҳисобидан келтирилган зарарни қоплаш, раҳбар ва бошқа ходимларни эгаллаб турган лавозимларидан озод этишгача бўлган интизомий чоралар кўриш ҳақида тақдимномалар киритиш ҳуқуқлари берилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми томонидан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармонини тадбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида” 1998 йил 9 апрелда 72-сонли қарори қабул қилинган.¹

Мазкур қарорга биноан юридик шахсга зарар келтирган мансабдор ёки бошқа шахнинг ҳаракатида (ҳаракатсизлигида) жиноят аломатлари мавжуд

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами (1993-2001 йиллар). Т., “Адолат”, 2001 йил, 98-103-бетлар.

бўлмаган ҳолларда, зарар етказувчи зарар етказилган пайтда юридик шахс билан меҳнат муносабатларида бўлган бўлса, у ҳолда етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 201, 202, 205, 208-моддаларида белгиланган миқдорда зарар етказган мансабдор ёки бошқа шахс ҳисобидан қопланади.

Ушбу қарорга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди 2000 йил 28 июлдаги 86-сонли қарори билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.¹

Хулоса

Зарар етказишнинг олдини олиш бўйича ишларда ходимларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш муҳим ўрин тутди. Амалиётда кўринишича, кўп ҳолларда ўғирлик, моддий бойликлар камомадига йўл қўйиш, уларни яроқсиз ҳолга келтириш пул ва моддий бойликлар билан ишлайдиган шахслар томонидан содир этилади. Демак, иш берувчи бундай масъул вазифаларда ишлайдиган ходимларни ишга қабул қилишда ва уларнинг фаолиятини назорат қилишда эътиборлироқ бўлишлари лозим.

Алоҳида эътибор тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларнинг тўғри ва ўз вақтида тузилишига қаратилмоғи лозим. Аксарият корхона, ташкилот ва муасасаларда ушбу масалага жиддий эътибор берилмаслиги салбий оқибатларга олиб келади. Жумладан, тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар тузиш мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажарадиган лавозимларнинг махсус рўйхати барча корхоналарда мавжуд, деб бўлмайди.⁸

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳайъатининг 1996 йил 2 апрелдаги 2/4-сон қарори билан тўлиқ шахсан моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартноманинг намунавий шакли тасдиқланган

⁸ Қодиров К. Меҳнатга оид ҳужжатларни расмийлаштириш намуналари. Т: Адолат, 2000 й. 105-бет.

бўлсада, баъзи корхоналарда ҳозирги кун талабларига жавоб бермайдиган, собиқ СССР даврида амал қилган шартномалардан ёки шу шартномаларнинг рус тилидаги намуналаридан фойдаланилиб келинмоқда.

Қоида тариқасида, тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар бир тарафдан ходим, иккинчи тарафдан иш берувчи номидан унинг раҳбари ёки ўринбосарлари ўртасида тузилиши лозим. Баъзи ҳолларда иш берувчи номидан шартномага имзо чекиш ваколатига эга бўлмаган шахсларнинг шартномани имзолаши оқибатида мазкур шартнома ҳақиқий эмас, деб топилиши ва моддий бойликлар сақлаш учун топширилган ходимни тўлиқ моддий жавобгарликка тортиш имконияти бой берилиши мумкин.

Жамоа ўртасида меҳнат қонунчилигининг моддий жавобгарлик бўйича талаблари юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш – мулкӣ ҳуқуқбузарликларнинг олдидини олиш борасида олиб бориладиган ишларнинг муҳим йўналишидир. Шунингдек, иш берувчи корхона, муассаса ва ташкилотнинг раҳбари томонидан меҳнат қонунчилиги талабларини етарли даражада ўзлаштирганлиги, қонун талабларига қатъий риоя қилиши – иш берувчига моддий зарар етказишнинг олдидини олиш борасида олиб бориладиган ишларнинг зарурий шarti бўлиши керак.

Меҳнат қонунчилиги талабларини менсимаслик, шахсий манфаатларни меҳнат жамоаси манфаатларидан устун қўйиш, шунингдек ходимларни ғайриқонуний тарзда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш, айбдор шахсларни моддий жавобгарликка тортиш чораларини ўз вақтида кўрмаслик, ходимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ меҳнат низоларининг келиб чиқишига сабабчи бўлиш каби баъзи корхона раҳбарларига хос салбий хислатлар оқибатида келиб чиқалиган моддий зарар етказиш ҳолатларига қатъий курашиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Конституция - юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишининг ҳуқуқий асоси. Т., Ўзбекистон, 2003 йил
2. Каримов И.А. Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш асосий мезон. Т., Ўзбекистон, 2004 й.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., Ўзбекистон, 2005.
5. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи, 2006 йил 8 декабрь сони.
7. Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. Дарслик.- Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2002.- 383 б.
8. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик.- Т.: Молия, 2002.- 279 б.
9. Турсунов Й. Трудовое право Республики Узбекистан. Учебник. -Т.: ТДЮИ, 2005.- 251с.
10. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. Ўқув қўлланма.- Т.: Молия, 1999.- 187 б.
11. Турсунов Й., Усманова М. Меҳнат ҳуқуқи. Ўқув қўлланма.-Т.: Молия, 2001.- 227 б.
12. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномалари (контракт). Ўқув-услубий қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1-2-томлар. 1996.-224,253 б.
13. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Меҳнат шартномаси (контракт). Ўқув-услубий қўлланма.-Т.: 1999.-528 б.
14. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Иш вақти ва дам олиш вақти. Ўқув-услубий қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 2000.-511 б.

15. Турсунов Й., Усманова М., Нуриддинова А. Меҳнат ҳуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма.- Т.: ТДЮИ, 2003.-51 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2005 йил, 5-6-сон.
17. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 2 апрелдаги 2-4-сонли қарорига илова шаклида тасдиқланган “Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлган корхона, муассаса, ташкилотлар асраш учун бериб қўйилган бойликлар сақланишини таъминлаш, қайта ишлаш, сотиш(бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш бобида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартномалар тузиши мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажарадиган лавозимлар ҳамда ишларни намунавий Рўйхати.